

Ҳақиқий сабр дастлабки пайтдагисидир



08:00 / 25.01.2021 2791

Анас розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади: «Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам бир қабр олдида йиғлаб ўтирган аёлнинг ёнидан ўтиб қолиб, «**Аллоҳга тақво қил, сабр қил**», дедилар. Ҳалиги аёл у зотни танимай, «Тинч қўй мени! Менинг мусибатим сенинг бошингга тушмаганда, билмайсан», деди. Аёлга у зотнинг кимлигини айтишган эди, у Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи васалламнинг эшикларига келди, сўнг: «Эй Аллоҳнинг Расули, мен сизни танимабман», деди. Шунда Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам: «**Ҳақиқий сабр - (мусибатнинг) дастлабки пайтдагисидир**», дедилар» *(Муттафақун алайҳ).*

Имом Муслимнинг ривоятида: «Ўша аёл ўлган боласи учун йиғлаётган эди», дейилган.

«Солиҳлар гулшани» китобидан